

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХУСАНОВ РАВШАН АХРОРОВИЧ**

**2- ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА МИОКАРД  
ИНФАРКТИДАН КЕЙИНГИ РЕМОДЕЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНИШИДА МАТРИКС МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗАЛАРНИНГ  
РОЛИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хусанов Равшан Ахрорович**

2- тур қандли диабетли беморларда миокард инфарктидан кейинги  
ремоделлашув жараёнларини ривожланишида матрикс  
металлопротеиназаларнинг роли..... 3

**Хусанов Равшан Ахрорович**

Роль матриксных металлопротеиназ в развитии  
постинфарктного ремоделирования у больных  
сахарным диабетом 2 типа..... 23

**Khusanov Ravshan Akhrorovich**

Role of matrix metalloproteinases in the development  
of post-infarction remodeling in patients with  
type 2 diabetes mellitus..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХУСАНОВ РАВШАН АХРОРОВИЧ**

**2- ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА МИОКАРД  
ИНФАРКТИДАН КЕЙИНГИ РЕМОДЕЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНИШИДА МАТРИКС МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗАЛАРНИНГ  
РОЛИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib1665 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нуриддинов Нуриддин Анварходжаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедов Холмурод Саъдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Муллабаева Гузаль Учқуновна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) юрак ишемик касаллигининг асосий кўриниши бўлиб, ўлимнинг энг кенг тарқалган сабаби ҳисобланади, ҳар йили 1,8 миллион ўлим ёки барча ўлимларнинг 20 фоизини ташкил қилади. Миокард инфаркти (МИ) дан кейин чап қоринчанинг (ЧҚ) салбий ремоделланиши ишемик юрак етишмовчилигининг (ЮЕ) структуравий асосини ташкил қилади ва унинг ҳажми, шакли, функцияси ва хужайра таркибидаги мураккаб қисқа ҳамда узоқ муддатли ўзгаришларга олиб келади. Бундан ташқари, 2- тур қандли диабетли (ҚД 2-тур) беморларда юрак етишмовчилигининг ҳатто субклиник шакллариининг мавжудлиги касалликнинг салбий оқибатининг меъзони бўлиб, шифохонага ётиш ва ўлим даражасини сезиларли даражада ошишига олиб келади. Касалликнинг дастлабки босқичларида асоратлар бошланишидан олдин анъанавий функционал юқори сезгирликдаги усуллардан фойдаланган ҳолда гуморал бузилишларни ва унинг ривожланишига олиб келадиган генетик предикторларни ўз вақтида аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда МИ ўтказган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш тамойилларида юқори самарадорликка эришишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Унинг эрта ташхисига ёндашувларни ишлаб чиқишда клиник-гемодинамик, юрак ремоделланиши ва гуморал кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнларини эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш, касалликнинг ривожланиши ва кечишини башорат қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда 2-тур қандли диабетли бор сурункали юрак етишмовчилиги беморларида клиник-генетик ўзгаришларни ташхислаш ва касаллик ривожланиш хавфини башоратлашни такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

сабабларни камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда Республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2022 йил 27 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бир қатор тадқиқотлар юрак-қон томир касалликларининг патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган [Czubryt M.P., Hale T.M. (2021); Frangogiannis N.G. (2015-2021); Ibanez B., James S., Agewall S. et al. (2018); Tallquist M.D. (2011-2021)]. 2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланишнинг шаклланиши, кечиши ва оқибатида муҳим ҳисобланган гуморал омилларни баҳолаш, даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга [Дедов И.И., Шестакова М.В., Викулова О.К. и др. (2018), Mason T., Coelho-Filho O.R., Verma S. et al. (2021), Pan K.L., Hsu Y.C., Chang S.T., Chung C.M., Lin C.L. (2023), Tarquini R., Pala L., Brancati S. et al. (2018)]. Нисбатан яқинда матрикс металлопротеиназаларнинг (ММП) миокард инфарктининг кечишига таъсири далили аниқланди, ўткир ва узок муддатли даврда улар концентрациясининг кескин ошиши миокардни ремоделланиш жараёнларида ММПларнинг муҳим ролини кўрсатади. СЮЕ билан оғриган беморларда симпатoadренал ва ренин-ангиотензин-альдостерон тизимларининг фаоллиги юқори бўлиб, бу касалликнинг ривожланиши ва салбий оқибати хавфини оширади. [Бойцов С.А. (2022), 27; 153-159].

Бир қатор марказларда ўтказилган когорт тадқиқотларда МИдан кейин СЮЕ ривожланишининг асосий сабаби миокарднинг нотўғри ремоделланиши, патологик чандиқнинг шаклланиши, юрак бўшлиқларининг кенгайиши ва отиш фракциясининг (ОФ) пасайиши, шунингдек, ММП ген полиморфизмининг ўлим хавфини ва ёмон оқибатини оширишга таъсири аниқланди [Барбараш О.Л., Воевода М.И., Галстян Г.Р.

и др. (2019-2022), Ефремова Л. С., Васильева Л. В. (2021-2022), Ibanez B., James S., Agewall S. et al. (2018)]. Бироқ, МИ ўтказган 2- тур қандли диабетли беморларда инфарктдан кейинги ремоделланишни шакллантиришда иштирок этадиган номзод генларнинг тарқалиши, уларнинг касаллик ва башоратлашдаги ролини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар етарли эмас.

Ўзбекистонда юрак қон-томир (ЮҚТ) касалликлари кечишининг хусусиятларини ва патогенетик омилларнинг роли, шунингдек, уларнинг ривожланишида генетик полиформизмнинг аҳамиятини аниқлашга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: касалликнинг ривожланишида номзод генларнинг полиморфизмидаги ўзгаришларнинг ўзига хослиги баҳоланган [Аляви А.Л. Камилова У.К.], сурункали юрак етишмовчилигининг турли фенотиплари юзага келишида номзод генлар мажмуасини аниқлаш тўғрисида сўнги замонавий маълумотлар ёритилган [Гадаев А.Г., Қурбанов А.К., Тўрақулов Р.И. (2019), Камилова У.К., Икрамова Ф.А., Хусанов Р.А. (2021), Юлдашев С. Ж. ва бошқалар (2019)], аммо гуморал омиллар - матрикс металлопротеиназаларнинг ролини, МИ ўтказган 2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланиш ривожланишида уларнинг генлари полиморфизмининг хусусиятларини илмий асослаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, миокард инфаркти ўтказган 2- тур қандли диабетли беморларда касалликлар кечишини башоратлашда гуморал ва молекуляр-генетик омилларни янги тамойилларини асослаб бериш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг №011100158 «Ички касалликларни ташхислаш ва даволашни самарадорлигини оширишнинг янги йўллари» излаш. Профилактиканинг рационал йўллари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқод мақсади** 2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёни ривожланиши ва башоратлашда матрикс металлопротеиназа-2 ва матрикс металлопротеиназа-9 ролини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

2- тур қандли диабетли миокард инфаркти ўтказган беморлар қон плазмасида матрикс металлопротеиназа-2 ва матрикс металлопротеиназа-9 кўрсаткичларини баҳолаш;

2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёни ривожланишида матрикс металлопротеиназа-9 (rs17576) ва матрикс металлопротеиназа-2 (rs243865) ген полиморфизмлари хусусиятларини ўрганиш;

генетик маркерлар бўлган матрикс металлопротеиназа-9 (rs17576) ва матрикс металлопротеиназа-2 (rs243865) ген полиморфизмлари ва касалликнинг клиник кечиши ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

қандли диабет негизида миокард инфаркти ривожланиш хавфи даражаси юқори бўлган ва салбий башоратли бўлган беморларни аниқлаш учун башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида шифохона шароитида даволанган 116 нафар миокард инфаркти ўтказган беморлар жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, функционал, биокимёвий, иммунофермент ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, лаборатор-функционал, молекуляр-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта 2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг матрикс металлопротеиназалар даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

биринчи марта ўзбек миллатига мансуб 2- тур қандли диабетли миокард инфаркти ўтказган беморларда матрикс металлопротеиназа-2 генининг rs243865 полиморфизми ва матрикс металлопротеиназа-9 генининг rs17576 полиморфизмининг тарқалиши ва иштирок этиш даражаси ўрганилган;

биринчи марта 2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнининг ривожланишида ММП 2 генининг rs243865 ва ММП 9 генининг rs17576 молекуляр генетик детерминантларининг хусусиятлари аниқланган;

2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланишнинг клиник, гуморал, тасвирий ва генетик предикторларининг хусусиятлари очиб берилган;

2- тур қандли диабет негизида миокард инфаркти кечиши салбий оқибати хавфини баҳолаш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра салбий оқибат хавфи 2- тур қандли диабет бор беморларда 62,2%, диабет йўқ беморларда - 2,8% ни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланиш ривожланишининг клиник, гемодинамик, тасвирий, иммунофермент ва генетик мезонлари ишлаб чиқилган;

2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланишни клиник-гуморал омиллар ва генетик детерминантларни ҳисобга олган ҳолда диагностика алгоритмлари ва прогнозлашнинг математик модели яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, 2- тур қандли диабетли миокард инфаркти билан оғриган беморларда юрак ремоделланишининг турли хил шакллари, чап қоринча систолик ва диастолик дисфункцияси ривожланишининг клиник, патогенетик ҳамда генетик жиҳатларини таҳлил қилинганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнининг клиник-функционал ўзига хослигини ўрганиш, касалликнинг кечишида клиник-гуморал ва генетик предикторларни эрта аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, диастолик дисфункция билан кечувчи сурункали юрак етишмовчилигини клиник кечиш, визуализация, нейрогуморал, генетик мезонларига таяниб эрта ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, 2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда инфарктдан кейинги ремоделланишни клиник-гуморал омиллар ва генетик детерминантларни ҳисобга олган ҳолда диагностика алгоритмлари ва прогнозлашнинг математик модели ишлаб чиқилганлиги, беморларни касаллик ривожланиши сабабидан келиб чиққан ҳолда касалликнинг профилактик самарадорлигини оширувчи, иқтисодий харажатларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш алгоритмлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 14 декабрдаги 12/052 сон хулосасига кўра:

2- тур қандли диабетли миокард инфаркти ўтказган беморларда матрикс металлопротеиназа-2 генининг rs243865 полиморфизми ва матрикс металлопротеиназа-9 генининг rs17576 полиморфизмининг тарқалиши аниқлаш миокард инфарктидан кейинги ремоделланишни асоратли кечиш ҳавфини башоратлаш имконини берган.

2-тур қандли диабетли миокард инфаркти ўтказган беморларда матрикс металлопротеиназа-9 генининг (rs17576) полиморфизмини ўрганиш миокард инфарктидан кейинги ремоделланишни асоратли ривожланиш ҳавфини башоратлаш, эрта босқичларида ташхислаш ва урларнинг умр давомийлигини узайтириш, касалликнинг кейинги босқичига ўтиши натижасида келиб чиқадиган ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

матрикс металлопротеиназа-9 (rs17576) ва матрикс металлопротеиназа-2 (rs243865) генлари мутацион типларини биргаликда келиши ва металлопротеиназалар фаоллигини ўзгартириши миокард инфарктидан кейинги ремоделланишни асоратли кечиш ривожланиш ҳавфини башоратлаш, эрта босқичларида ташхислаш ва беморларнинг умр давомийлигини узайтириш, касалликнинг кейинги босқичига ўтиши натижасида келиб чиқадиган ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

2-тур қандли диабет негизида миокард инфаркти ўтказган беморларда салбий оқибати ҳавфини баҳолаш учун балл тизими ва компьютер дастуридан фойдаланиш асоратлар ривожланиш ҳавфини башоратлаш, эрта босқичларида ташхислаш ва уларни умр давомийлигини узайтириш, касалликнинг кейинги босқичига ўтиши натижасида келиб чиқадиган ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бераган ва кўшимча сарф харажатларни камайтирган.

“2-тур қандли диабетли беморларда миокард инфарктидан кейинги ремоделлашув жараёнларини ривожланишида матрикс металлопротеиназаларнинг роли” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2024-йил 25-мартдаги 09-14969-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 1 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Инфарктдан кейинги юрак ремоделланиши патогенетик механизмига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида чап қоринча миокардининг инфарктдан кейинги ремоделланиши хусусиятларини, миокард фиброзининг ривожланишида матрикс металлопротеиназаларнинг роли таҳлил қилинган. Илмий ишда келтирилган барча адабиёт маълумотлари умумлаштирилган, тизимлаштирилган ва ўрганилган. Қўшимча ечимларни талаб қиладиган долзарб муаммолар кўриб чиқилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу масала бўйича ҳал қилинмаган муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Текширувга 116 нафар Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида стационар ва амбулатор шароитда даволанган миокард инфарктли эркак беморлар киритилган. Бу беморлар 2 гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳни МИ ўтказганига 6 ойдан 3 йилгача бўлган ҚД 2 типли беморлар (45 нафар бемор), иккинчи гуруҳни эса МИ ўтказган қандли диабет йўқ беморлар (71 нафар бемор) ташкил қилган. Бу беморларнинг ўртача ёши 1-гуруҳда  $59,45 \pm 1,36$  ва 2-гуруҳда  $61,89 \pm 1,22$  ёш, иккала гуруҳдаги беморларнинг ёш чегараси бир хил. ҚД 2-тур ташҳиси Европа эндокринология жамияти мезонлари асосидаги анамнестик, клиник ва лаборатория тадқиқотлари асосида қўйилган. ҚД босқичи гликозириланган гемоглобин даражасига қараб аниқланган. ИККС ташҳиси Россия кардиологлар жамиятининг тавсияларига мувофиқ анамнестик, клиник, асбобий ва биокимёвий тадқиқотлар асосида амалга оширилди. Истисно мезонлари кўйидагилардан иборат бўлди: жигар ва буйрак функциялари бузилиши билан кечувчи касалликлар мавжудлиги, сурункали ўпка обструктив касаллиги, мураккаб аритмиялар, анамнезда бош мия ўткир қон айланиш бузилишлари ўтказганлиги.


Барча беморларда комплекс клиник текширувлар ўтказилди, олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС), беморлар клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи (КХБШ), юрак систолик ва диастолик функцияси эхокардиография (ЭхоКГ) усули билан «PHILIPS Affiniti 30» (Голландия) аппаратида 3,25МГц датчиклардан фойдаланган ҳолда (ASE тавсиялари асосида (2016)) стандарт эхокардиографик позицияларда ёрдамида текширилди. Қон зардобиди ММП 2 ва ММП 9 ни аниқлаш «ELISA» (Германия) реагентлари ёрдамида «Humareader HS» (HUMAN, Германия) иммунофермент анализаторида амалга оширилди. Назорат гуруҳини 35 та соғлом кишилар ташкил этди. Молекуляр – генетик текшириш орқали матрикс металлопротеиназа -2 гени rs243865 полиморфизми, матрикс металлопротеиназа -9 гени rs17576 полиморфизмининг полимер занжир реакцияси (ПЗР) усули билан Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази молекуляр-генетика лабараториясида

профессор Бобоев К.Т. рахбарлигида ўрганилди. Статистик маълумотларни қайта ишлаш учун STATISTICA-13,3 дастури ёрдамида ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда, Microsoft Office Excel – 2020 дастурий тўплами ишлатилди.

**Диссертациянинг «2- тур қандли диабет билан оғриган беморларда ИККС кечишининг хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда 2- тур қандли диабет билан боғлиқ ривожланиш хусусиятлари таҳлилини ўз ичига олади. Ассосий хавф омиллари гиподинамия (мос равишда ҚД+МИ ва МИ гуруҳларида 73,3 ва 77,5%), дислипидемия (71,1 ва 71,8%), наслий омил (66,7 ва 59,2 %) эканлиги маълум бўлди. Текширувга олинган беморларнинг қарийб ярмида стресс омиллари тенг равишда аниқланди, ҚД 2 + МИ ва МИ бўлган текширилган беморларнинг мос равишда 35,6 ва 46,5 фоизида семизлик хавф омили сифатида қайд этилди. Биринчи гуруҳдаги беморларда енгил даражадаги 2-тур қандли диабет 4,4%, ўртача - 82,2% ва оғир даражаси - 13,3% ҳолатда аниқланган. Ортиқча тана вазни, семизлик биринчи, иккинчи ва учинчи даражалари мос равишда 64,4; 17,8; 11,1 ва 6,7% беморларда кузатилди, ТВИ  $30,08 \pm 0,79$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди. МИ гуруҳида эса семизлик биринчи, иккинчи ва учинчи даражалари мос равишда 27,2; 7,0 ва 5,6% беморларда кузатилди, ТВИ  $29,81 \pm 0,48$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Келтирилган маълумотлар кўрсатадики 1-гуруҳ беморларда семизликнинг турли даражалари ва ТВИ сезиларли равишда ошган бўлиб, бизнинг фикримизча бу юрак қон томир касалликлари юқори ривожланиш хавфи сифатида баҳоланади. 1-гуруҳдаги 93,3% беморларда гипертония касаллиги аниқланди: артериал гипертензия 1-даражаси 53,3% беморда, 2-даражаси – 24,4% ва учинчи даражаси – 15,6% беморларда кузатилди. 2-гуруҳда эса 94,4% беморларда гипертония касаллиги аниқланди: артериал гипертензия 1-даражаси 54,9% беморда, 2-даражаси – 29,6% ва учинчи даражаси – 9,9% беморларда кузатилди.

Текширилаётган гуруҳлардаги беморларнинг функционал параметрларини таҳлил қилиш амалий соғлом кишилар кўрсаткичларига солиштирганда нафас олиш ва пульснинг биров ошганлиги, САБ ва ДАБ даражасининг нисбатан ошишини кўрсатди. Шу билан бирга, биринчи гуруҳдаги беморларда юқоридаги кўрсаткичларининг иккинчи гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан биров ўсиши аниқланди. ОДЮС кўрсаткичини таҳлил қилиш 1-гуруҳдаги беморларда қандли диабетсиз МИ билан оғриган беморларга нисбатан юқори қийматларни (18,3%,  $P > 0,05$ ) кўрсатди. Беморларнинг биринчи гуруҳидаги КХБШ қийматлари иккинчи гуруҳга қараганда бир оз пастроқ натижаларни кўрсатди, аммо бу статистик жиҳатдан аҳамиятсиз даражада. Бу кўрсаткичлар асосан қандли диабетни оғир кечиши кузатилган беморларга хос. Биздаги маълумотлар ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларда аритмия ривожланиш частотаси ҳолатларини акс эттиради. Ҳар хил даражада ривожланган СЮЕ клиник кўринишлари биринчи ва иккинчи гуруҳдаги текширилган беморларнинг

88,9 ва 86,3 % ида аниқланган (1а расм). Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги беморларда мос равишда ФС I 2,2 ва 1,4%), ФС II – 37,8 ва 25,3%, ФС III – 48,9 ва 53,5% ҳамда ФС IV – 2,2 ва 7,0% ҳолатларда учради.



**1-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги ва унинг функционал синфлари учраш частотаси (а); текширилган беморларда отиш фракциясининг сезиларли даражада пасайиши (б).**

1-гуруҳдаги беморларда ОФ кўрсаткичи  $55,24 \pm 1,55$  ни ташкил этди, ОФ 50% дан юқори 75,6% ҳолатда, 13,3% да 49 дан 40% гача ва 11,1% беморларда 40% дан кам. 2-гуруҳдаги беморларда эса ОФ кўрсаткичи  $56,19 \pm 1,24$  ни ташкил этди, ОФ 50% дан юқори 81,7% ҳолатда, 11,3% да 49 дан 40% гача ва 40% дан кам ҳолатлар 7,0% беморларда кузатилди (1б-расм). Бу ЧҚ ремоделланишининг (ЧҚР) 2 ва айниқса 3 типларининг юқори частотаси билан тасдиқланади. Шундай қилиб, 1-гуруҳдаги беморларда ЧҚР нинг 1, 2 ва 3-типлари 15,6, 40 ва 44,4% да аниқланган, 2-гуруҳдаги беморлар текширилганда бу кўрсаткичлар мос равишда - 29,6, 38,0 ва 32,4%да аниқланди. 1 ва 2-гуруҳлардаги беморларда 1 тип чап қоринча диастолик дисфункцияси текширилганларнинг 13,3 ва 15,4%, 2 тип ЧҚ ДД - 42,2 ва 43,7%, 3 тип - 44,4 ва 40,8% да аниқланган. Юракни ремоделланиш жараёнларини ўрганишда ЧҚР нинг қуйидаги турлари аниқланди: концентрик ремоделланиш 29,3% ҳолатда, ЧҚ концентрик гипертрофияси 38,8% да ва эксцентрик ремоделланиш 31,9% беморда кузатилди. Текширилаётган беморларда ЧҚ диастолик дисфункцияси турларини тақсимлаш таҳлили шуни кўрсатдики, беморларнинг 43,9% релаксациянинг бузилиши, 30,2% псевдонормал, 25,9% беморларда рестриктив типни аниқланган. Шу билан бирга, ЧҚ систолик функцияси пасайган беморларда ЧҚ диастолик функциясида жиддий бузилишлар кўпроқ учрайди. Миокард инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнлари миокарддаги фиброз жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, унинг шаклланишида матрикс металлопротеиназаларнинг роли катта аҳамиятга эга. Ўтказилган текширувлар кўрсатдики миокард инфаркти ўтказган 2- тур қандли


диабетли беморларда матрикс металлопротеиназа-2 ва матрикс металлопротеиназа-9 даражалари  $15,1 \pm 0,54$  ва  $17,7 \pm 0,63$  нг/мл ни ташкил этди. Улар юракнинг систолик дисфункцияси билан ассоцирланган: ОФ 50% дан юқори бўлган беморларда матрикс металлопротеиназа-2 ва матрикс металлопротеиназа-9 даражаси  $10,9 \pm 0,56$  ва  $12,7 \pm 0,72$  нг/мл ни, ОФ 40-49% -  $12,3 \pm 0,95$  ва  $15,2 \pm 1,79$  нг/мл, ОФ <40% ҳолатларда эса бу кўрсаткичлар  $15,7 \pm 1,48$  ва  $17,4 \pm 1,79$  нг/мл ( $p < 0,01$ ) ни ташкил қилди. матрикс металлопротеиназа-2 ва матрикс металлопротеиназа-9 билан ЧҚ ОФ ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди (мос равишда  $r = -0,63$ ;  $r = -0,70$ ).

Амалий тиббиётда профилактик ва даволаш чора-тадбирларини танлашда беморнинг хавф табақаланишини эрта диагностикаси муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан биз касалликнинг оғирлик даражасини ва салбий кечишини прогнозлаш учун диагностика жадвалига киритилган индивидуал белгилар тўпламини ифодаловчи прогностик моделни ишлаб чиқдик. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун биз кенг қўлланиладиган клиник, анамнестик, функционал ва биокимёвий кўрсаткичлардан фойдаландик, улар балл билан баҳоланади. Бу кўрсаткичлар минимал 16 баллни, максимал – 41 баллни ташкил қилади. Унинг асосида дастур ишлаб чиқилди - беморларнинг индивидуал хавф табақаланишини баҳолаш ва касалликнинг кечишини прогнозлаш учун калькулятор. Компьютер дастурига кўра, ижобий прогноз 16 дан 32 баллгача, салбий прогноз - 33 дан 41 баллгачани ташкил этади. 2-гуруҳдаги касаллик оқибати прогнозини баҳолашда ушбу дастур самарадорлигининг қиёсий таҳлили ўртача прогноз кўрсаткичи  $28,41 \pm 0,41$  баллни ташкил этди, 12,8% салбий прогноз, 87,2% ҳолларда ижобий прогноз аниқланди. 1-гуруҳдаги беморларда эса ўртача прогноз кўрсаткичи  $22,58 \pm 0,68$  баллни ташкил этди, 62,2% салбий прогноз, 37,8% ҳолларда ижобий прогноз аниқланди. Шундай қилиб, биз ишлаб чиққан компьютер дастури ўрганилаётган гуруҳларда МИ нинг оқибатларини тахмин қилиш имконини беради. Бу коморбид касалликлари бор беморларни даволашни индивидуаллаштириш ва уларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Матрикс металлопротеиназа-9 гени (rs17576) ва матрикс металлопротеиназа-2 гени (rs243865) полиморфизмларининг миокард инфаркти ва инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнидаги аҳамияти**» деб номланган бўлиб, матрикс металлопротеиназа -9 гени (rs17576) ва матрикс металлопротеиназа -2 гени (rs243865) полиморфизмлари маълумотларини ўз ичига олади. Текширувлар 116 нафар миокард инфаркти ўтказган беморларда (асосий гуруҳ) ва 83 нафар амалий соғлом кишиларда (назорат гуруҳи) ўтказилган. Асосий гуруҳдаги беморлар 2 тоифага бўлинди: биринчи гуруҳга қандли диабетни бўлмаган миокард инфаркти ўтказган беморлар кирган бўлса, иккинчи гуруҳга 2-тур қандли диабетли миокард инфаркти ўтказган беморлар киритилди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда ёввойи турдаги А аллелининг улуши 42,2% ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига

нисбатан 1,28 баравар юқори (33%) (2-расм). МИ ўтказган беморларда G аллелининг улуши (57,7%) назорат гуруҳидагига нисбатан пастроқ (67,0%). МИ ўтказган асосий гуруҳдаги беморларни қайта гуруҳлашда биринчи кичик гуруҳда ёввойи турдаги ва кичик аллелларнинг нисбати 42,9 ва 57,1% ни, иккинчи кичик гуруҳда бу кўрсаткичлар мос равишда 38,3 ва 61,7% ни ташкил этди.



**2-расм. Матрикс металлопротеиназа-9 генининг rs17576 полиморфизми аллеллари ва генотипларини биринчи (миокард инфаркти ўтказган беморлар), иккинчи (қандли диабетли миокард инфаркти ўтказган беморлар) ва назорат гуруҳларида тақсимланиши.**

*Изоҳ: ns -  $p > 0,05$ .*

Назорат гуруҳидаги матрикс металлопротеиназа -9 генининг rs17576 генотипларини тақсимлаш таҳлини шуни кўрсатдики, AA, A/G ва GG генотиплари 13,2; 39,8 ва 47,0% ҳолатларда аниқланди (2-расм). Шу билан бирга асосий гуруҳдаги худди шу генотипларни учраш частотаси 19,8; 44,8 ва 35,3% ҳолатларда аниқланди. Худди шундай AA, AG и GG генотипларининг фоизлари биринчи гуруҳчада 19,6; 46,4 ва 33,9% ни, иккинчи гуруҳчада эса мос равишда - 20,0; 43,3 ва 36,7% ни ташкил этди. Полиморфизмнинг аллеллари ва генотипларининг тарқалиши иккала кичик гуруҳда ўхшаш бўлганлиги сабабли ( $p > 0,05$ ), кейинги таҳлиллар асосий гуруҳлар сифатида иккала кичик гуруҳда биргаликда ўтказилди.

Миокард инфаркти ўтказган беморларда матрикс металлопротеиназа-9 генининг rs17576 полиморфизмининг патогенетик аҳамиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, OR G кичик аллел ташувчиларда касалликнинг ривожланиш эҳтимоли 32% га камайди (OR=0,68, 95% CI: 0,447-1,03), яъни кичик аллел G юрак ишемик касаллиги асоратли ривожланишида ҳимоя таъсирига эга. Бошқа томондан, матрикс металлопротеиназа -9 rs17576 ген полиморфизмининг ёввойи аллели A миокард инфарктдан кейинги ремоделлашув жараёнларини асоратли кечиш хавфини ривожланиш эҳтимолини 47% га оширди (OR = 1,47; 95% CI: 0,975-2,23) ва миокард инфаркти ривожланиши учун муҳим хавф омили бўлиб чиқди.  $\chi^2$  MMP-9

генининг rs17576 полиморфизми аллелларининг тарқалиши ва МИ касаллиги ривожланиши ( $\chi^2 = 3,4$ ,  $p = 0,065$ ) ўртасидаги статистик жиҳатдан муҳим ижобий боғланишга яқин бўлсада,  $\chi^2$  индекси омил ва касаллик ўртасидаги тасодифий ўзгаришлардан, шунингдек матрикс металлопротеиназа -9 генининг ёввойи аллелидан юқори бўлган, бу полиморфизм rs17576 (A) миокард инфарктидан кейинги ремоделланиш жараёнларини асоратли ривожланиши тенденциясини кўрсатади. Бу шуни кўрсатадики, бизнинг тадқиқотимиздаги матрикс металлопротеиназа -9 гени ўртасидаги заиф боғланиш сабаби ўрганилган беморларнинг нисбатан камлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Матрикс металлопротеиназа-9 генининг rs17576 полиморфизмини турли генотипларнинг касалликнинг ривожланишида патогенетик аҳамияти таҳлил қилинганда, A/A генотиби миокард инфарктидан кейинги ремоделланиш жараёнларини ривожланиш эҳтимолини 62% га (OR=1,62, 95% CI 0,741-3,54) оширилганлигини кўрсатди. Худди шундай, гетерозиготали A/G генотиби касалликнинг ривожланиш эҳтимолини 23% га оширади (OR=1,23; 95% CI 0,695-2,18), гомозиготали G/G генотиби эса миокард инфарктидан кейинги ремоделланиш жараёнларини ривожланиш эҳтимолини 38% га камайтиради (OR=0,62; 95% CI 0,347-1,10). Бу шуни англатадики, ёввойи гомозиготали A/A ва гетерозиготали A/G генотиплари миокард инфарктидан кейинги ремоделланиш жараёнларини асоратли ривожланиш хавфини оширади, бошқа томондан, гомозигот G/G генотиби касалликнинг ривожланишига ҳимоя таъсирига эга, аммо тақдим этилган натижалар статистик жиҳатдан ишончсиз аҳамиятга эга ( $\chi^2 < 3,84$ ,  $p > 0,05$ ).

Тадқиқот давомида беморларнинг асосий гуруҳи ( $n=116$ ) ФС бўйича қайта гуруҳланган. ФС II гуруҳида ( $n=61$ ) G аллели касалликнинг ривожланиш хавфидан кучсиз ҳимоя қилади (OR = 0,79; 95% CI: 0,48 - 1,29), A аллели эса касалликнинг ривожланиш эҳтимолини кучсиз даражада оширади (OR = 1,26; 95% CI: 0,77 – 2,06) ( $\chi^2 < 3,84$ ,  $p > 0,05$ ). Шунингдек матрикс металлопротеиназа -9 генининг rs17576 полиморфизми генотипларининг A/A ва A/G генотиплари МИдан кейинги асоратлари юзага келишидаги аҳамиятини таҳлил қилганда II ФС ривожланиш даражасини 44% (OR = 1,44; 95% CI: 0,580 – 3,58) ва 5% (OR = 1,05; 95% CI: 0,537 – 2,06) га оширди, мос равишда G/G генотиби II ФС билан асоратланиш эҳтимолини 22% га камайтирди (OR = 0,78; 95% CI: 0,402 – 1,53) ( $\chi^2 < 3,84$ ,  $p > 0,05$ ). МИдан кейинги III ФС билан асоратланган беморларда ( $n=55$ ) ёввойи аллел - A ва ушбу даражадаги МИ асоратларининг пайдо бўлиши ўртасида статистик жиҳатдан муҳим ижобий боғлиқлик аниқланди. Унга кўра, имкониятлар кўрсаткичи нуқтаи назаридан қараганда минор аллель (G) ҳимоя ҳисобланади, бу турдаги асоратлар келиб чиқишини 43% га пасайтиради (OR=0,57, 95% CI 0,349-0,94), ёввойи аллель (A) эса касаллик келиб чиқиш эҳтимолини 1,74 мартага ошириб (OR=1,74, 95% CI 1,064-2,86) касалликни келтириб чиқарувчи таъсир қилди ва бу қийматлар статистик аҳамиятга эга бўлиб чиқди ( $\chi^2=4,89$ ,  $p=0,027$ ). Генотипларнинг миокард инфарктидан кейинги ремоделланиш жараёнларини асоратли таъсирига кўра, A/A ва A/G генотиплари миокард инфарктидан кейинги ремоделланиш


жараёнларини асоратли кечиш хавфини 1,83 (95% CI 0,742-4,50) ва 1,46 марта (95% CI 0,735-2,91) оширди ( $\chi^2 < 3,84$ ,  $p > 0,05$ ). Ёввойи гомозиготали G/G генотиби ФС III асорати ривожланишида химоя ролини ўйнайди, касаллик ривожланиш эҳтимолини 54% га камайтирди (OR=0,46, 95% CI 0,224-0,95) ( $\chi^2 = 4,42$ ,  $p = 0,036$ ).

МИ билан оғриган беморларда ( $\chi^2 = 4,1$ ,  $p = 0,044$ ) MMR-9 генининг rs17576 полиморфизмининг A- аллели ва ЧҚ ОФ индекси 40-49% бўлганлар ўртасида статистик жиҳатдан ишончли ижобий боғлиқлик аниқланди, шунингдек ЧҚ ОФ индекси <40% бўлганлар билан ҳам. Унга кўра, A аллелини ташувчиларда МИ натижасида ЧҚ ОФнинг 40-49% гача камайиши эҳтимоли 1,70 марта ортади (95% CI 0,961-3,01,  $\chi^2 = 4,13$ ,  $p = 0,044$ ) ва A/A генотипини ташувчиларда ушбу турдаги асоратларнинг юзага келиш эҳтимоли статистик жиҳатдан 2,62 баравар ортиши аниқланди (95% CI 0,993-6,90,  $\chi^2 = 3,95$ ,  $p = 0,047$ ). Худди шундай, A аллелини ташувчиларда МИ натижасида ЧҚ ОФ <40% нинг пасайиши эҳтимоли 2,16 марта ортади (95% CI 1,17-3,97,  $\chi^2 = 6,31$ ,  $p = 0,013$ ). G/G генотиби ташувчиларда ушбу турдаги асоратларнинг юзага келиш эҳтимоли статистик жиҳатдан 4,34 мартага камаяди (95% CI 0,082-0,67,  $\chi^2 = 13,4$ ,  $p = 0,001$ ). Бу шундан далолат берадики rs17576 полиморфизми ва ЧҚ ОФнинг нисбатан сезиларли пасайиши ўртасидаги боғланиш юқори мойилликка эга, бу эса миокард инфарктдан кейинги ремоделланишни асоратли кечиш хавфини келтириб чиқаради.

МИ ўтказган беморларни инфарктдан кейинги ремоделланиши турига ва матрикс металлопротеиназа -9 генининг rs17576 бошланғич полиморфизмларига қараб асосий гуруҳга қайта гуруҳланганда ёввойи турдаги аллел (A) ва гомозиготали A/A генотиби ўртасида биринчи турдаги ремоделланиш ривожланиши билан статистик жиҳатдан муҳим ижобий боғлиқлик аниқланди (мос равишда  $\chi^2 = 6,38$ ,  $p = 0,01$  2 ва  $\chi^2 = 4,01$ ,  $p = 0,046$ ). Бу шуни кўрсатадики, ёввойи типдаги аллел ва гомозиготали A/A генотиби биринчи турдаги инфарктдан кейинги ремоделланиш эҳтимолини оширади (мос равишда  $\chi^2 > 3,84$ ,  $p < 0,05$ ; OR=2,02, 95% CI 1,165-3,49 ва OR=2,57, 95% CI 1,002-6,60), кичик аллел G ва G/G гомозиготали генотиби эса бу эҳтимолни камайтиради ( $\chi^2 > 3,84$ ,  $p < 0,05$ ; OR=0,49, 95% CI 0,286-0,85 ва OR=0,44, 95% CI 0,195-1,00).

